



Христофор Колумб — уни Американи Европа учун очган шахс, машхур денгизчи сифатида эътироф этишади. Хакикатан ҳам, у хаёти давомида юксак чўккиларни эгаллади. Денгизчининг ўлиmidан кейин ҳам шухрати ошса-ошдики, асло пасайгани йўқ. Хатто унинг жасади оддий одамларникига нисбатан юксакрок муносабат каратишга ундади. 1506 йил. Испаниянинг Валядолид шаҳри.

Айнан шу маконда Колумб дунё билан хайрлашди. Бир умр худони зикр этиб, кийин вазиятларда унинг ёрдам беришига ишониб яшаган денгизчи, диндорлардек иззат-икром кўрсатилиб дафн этилди.

Амалга ошмайдиган иш эканлигини билса-да, у ўлими олдидан ёзган васиятида ўзи кашф этган ажиб мамлакат, яъни, «Янги Дунё»га дафн қилишларини ёзиб қолдирди. Кариб ороллари соҳилига етганда у жаннат манзараларини кўраётгандек бўлди. Шу боис, оролнинг туб аҳолисини соддадил ва пок одамлар тимсоли деб ўйлади. Ўша жаннатмакон худуд унинг кемаларида Европада янги, шу билан бирга кўркинчли касаллик пайдо қилган бўлса-да, Колумб умри охиригача яхши таассуротлар билан яшади.

У шу ерда ўлишни ва ўзи очган заминда мангуга ётишни хохларди. Унинг васияти амалга ошмади. Сабаб қилиб эса, Испания учун қахрамон саналган инсонни сўнгги йўлга кузатиш учун арзийдиган черков йўқлиги кўрсатилди.

Жасад Валядолидда дафн қилинган, 3 йил ўтиб, бу ер унга арзимаслиги айтилди ва ўша пайтларда ўғли ҳукмронлик қилган Севиля монастрлигига олиб кетилди.

Нихоят, орадан 18 йил ўтиб, испанияликлар Христофор Колумбнинг охириги тилагини бажаришга қарор қилишди. Орзу қилинган кема унинг тобутини олиб, океан ортига жўнади. Денгизчининг охириги кўним топадиган жойи Санто-Доминго ибодатхонаси деб белгиланди, аммо саёҳат бу билан тугаб қолмади. Кабристон жойлашган худуд Франтсия мустамлакасига айланган, Испания ўзига қадрли бўлган барча нарсаларини бу жойдан олиб кетди. Ўз-ўзидан Колумб жасадини ҳам Кубага кўчиришди. 1898 йилда Куба йўқотилгандан кейин яна тобут океан ортига қайтиб, Севилядаги ўғли Фернандо

кабри ёнига дафн килинди.

Тарих учун ахамиятли ҳисобланган бу қайтиш, Колумб тасаввуридаги жаннат ўзининг кашфиётчисини қабул қилмади, деб баҳоланди...

Лекин, XIX асрнинг охирига келиб Колумб кабри атрофида кўпгина жумбоқлар пайдо бўла бошлади. 1877 йилда ишчилар Санто-Доминго ибодатхонаси пойдеворларини мустаҳкамлаш вақтида урна (ўликлар кули сақланадиган ертўла)да «Шухратли эркак Кристобал Колон» деган ёзувга дуч келишди ва топилма ичида 13 та катта, 28 та майда суяклар бор эди. Доминиканликлар бу топилмани сохта деб билишди. Шу билан бирга испан монахлари ҳам бу воқеа мутлақо ёлгон деган фикрга келишди.

Бутун XX аср давомида Испанияда ҳам, Доминикан Республикасида ҳам ҳақиқий тобут ўзларида деб ҳисобланди.

2002 йилда Севилялик тарих ўқитувчиси Марсиал Кастро ва эстеплик биология ўқитувчиси Серхио Алгаррада бу жумбоққа ечим топишга уриниб кўрдилар. Улар Колумб ва ўгли Фернандо кабридан ДНКлар олиб, солиштириб кўриш мақсадида, рухонийлар жамиятига мурожаат қилишди. Рухсат олишолмагач, Гринад университетининг бир гуруҳ олимларини кизиктириб қўйган бу тажриба ишлари рухонийларнинг розилиги билан амалга оширилди. 2004 йилга келиб, тадқиқотчилар антропологик экспертиза натижаларини эълон қилишди. Шу нарса аниқ бўлдики, Испаниянинг Севиля ибодатхонасидаги суяклар 45 ёшли одамга тегишли эди.

Колумб эса вафот этганида 55-60 ёшлар орасида, кучли ва бақувват шахс бўлган. ДНК анализлари хали тугагани йўқ, бироқ олимлар асрлар давомида испанияликлар ўзларида деб билган денгизчи жасади бошқа бировга тегишли эканини бугун ишонч билан айта олишади.

Шу йўсинда, бугунги қарашларга кўра, Христофор Колумб жасади Доминикан Республикасидаги ибодатхонада сақланмоқда.

Сухроб Шеров